



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/2-сон



Bobir Xo‘jaqul o‘g‘li Qilichov Islomiy banklar, insonlarning moliyaviy xavfsizligini ta’minlashdagi ahamiyati	152
Zarif Oripovich Axrorov Foyda solig‘i vositasida iqtisodiyotni tartibga solish	156
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Аскар Хайдарович Джумаев Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида бухгалтерия ҳисобини синергетик самарасини ошириш масалалари	163
То‘лқин Ismatulla o‘g‘li Yahyoyev Qurilish korxonalarida ko‘rsatilgan qurilish xizmatlari bo‘yicha xarajatlar hisobi hamda tahlili	167
Jahongir Ahmadjon o‘g‘li Sagdullayev Yoshlar jinoyatchiligini oldini olish metodikasi tahlili	171
Шараф Урокбоевич Ташматов Интернет савдо хизматларига талабни шакллантирувчи омиллар таҳлили	175
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Саидахроп Гуломов, Мамаюнус Пардаев, Севара Бабаназарова, Хилола Очилова Янги Ўзбекистонда таълим, тарбия ва ақлий меҳнатнинг уйғунлигини таъминлаш	178
Дилбар Хасановна Асланова, Вазира Саидмуродовна Узакова Совершенствования организационно-экономического механизма подготовки конкурентоспособных специалистов с высшим образованием на рынке труда	184
Quvvat Haqnazarovich Aliqulov Oila va badiiy madaniyatni yangi avlod kadrlarini tayyorlashdagi falsafiy jihatlarini	189
Фарангис Азамовна Ишанкулова Олий таълим муассасаси имижини шакллантиришнинг ўзига хос жиҳатлари	192
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Бахтли ва комил инсон формуласи. Ҳалол йўл билан топилган маблағ – ўзингизники	197

ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА

Саидахорр Ғуломов – ЎзР ФА академиги

Мамаюнус Пардаев – и.ф.д., профессор

Севара Бабаназарова – СамИСИ доценти, PhD.

Хилола Очилова – СамИСИ ўқитувчиси, PhD.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ ВА АҚЛИЙ МЕХНАТНИНГ УЙҒУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Аннотация: мақолада таълим ва тарбиянинг уйғунлигини ва Янги Ўзбекистонда ақлий меҳнат унумдорлигини таъминлаш – дунё мамлакатлари ривожланишининг муҳим омили эканлигига аҳамият берилган. Бунда асосан Япония тажрибаси ёритилган. Худди шундай ва шунга яқин тажрибалар Хитой, Сингапур, Финляндия, Вьетнам каби мамлакатларда ҳам амалга оширилаётганлигини инobatга олиб, уларнинг тажрибаларидан ва ўзимизнинг хусусиятларимиздан келиб чиқиб, ўнта банддан иборат таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган ва уларнинг мазмуни мазкур мақолада келтирилган.

Калит сўзлар: таълим ва ақлий меҳнатнинг устуворлигини таъминлаш, таълим сифати ва билимни самарали ишлата билиш, тарбия, таълим ва тарбия уйғунлиги, глобал жараёнлар, “Ҳалоллик вакцинаси”, адолат, тенглик, камситмаслик.

Кириш. Бугунги глобаллашган шароитда мамлакатимиз тараққиётини муносиб тарзда таъминламас эканмиз, тегишли муваффақиятларга эришиб бўлмайди. Бунинг учун таълим ва тарбияга катта аҳамият беришликни тақозо қилади. Бироқ, Президентимиз бугунги кунда таълим соҳасига эътиборнинг йўқлигини афсус билан қайд этган эди. Хусусан, таълимнинг энг асосий бўғини бўлган туман ва шаҳар халқ таълимидаги ишлар ҳам талаб даражасида эмаслиги хусусида гапириб, туман ва шаҳар халқ таълими мудирларининг тизимдаги ўрни сезилмаётганлигини: “Уларнинг фаолияти асосан хўжалик ишларини назорат қилиш ва тегишли жазо чоралари қўллашдан иборат бўлиб, таълим сифати билан шуғулланиш иккинчи даражали масалага айланиб қолган. Мазкур раҳбарларнинг тизимдаги ролини қайта кўриб чиқиш ва уларнинг мақомини оширишни даврнинг ўзи талаб қилмоқда”¹, деб таъкидлаган эди. Чунки, дунёдаги ривожланган давлатлар тараққиётига назар соладиган бўлсак, айримлари жуда жадал ривожланиб, дунё мамлакатлари орасида ўзининг ўрнини тезда топиб, рақобатбардош давлатлар қаторидан жой олди. Аммо бизда-чи? Бу саволга ҳам Президентининг ўзи жавоб бердилар. “Яшириб нима қилдик, кўп йиллар давомида ўқитувчига эътибор борасида сўзимиз бошқа, ишимиз бошқа бўлиб келди. Оқибатда соҳа ходимлари гўёки кераксиз ва ҳимоясиз қатламга айланиб қолди. Мактаб ўқитувчиларининг асосий вазифаси бир четда қолиб, уларни ўзларига мутлақо алоқаси бўлмаган ишларга жалб этиш чуқур илдиз отди. Янаям очикроқ айтсак, муаллимларнинг “хўжайини” кўпайиб кетди. Бундай ножўя ишлар нафақат таълим сифатига, балки соҳа ходимларининг ўз касбига бўлган муносабатига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Қанчадан-қанча тажрибали ўқитувчилар дили оғриб, севган касбини ноилож ташлаб кетганини ҳам биламиз”². Ана шундай аянчли шароитда мустақилликни қўлга киритиб, мамлакатни ривожлантириш вазифаси турган бир паллада вазиятга тўғри баҳо бериб, камчиликларни тан олиб айтган гапи ҳам жуда таъсирли.

Эндиги олдимизда турган энг муҳим вазифа халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш, уларни ишсизликдан ва камбағалликдан қутқариш учун “қудратли

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўқитувчи ва мураббийлар куни”га бағишланган тантанали маросимдаги “Ўқитувчи ва мураббийлар – янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир” мавзусидаги нутқи.// 22:04 30 Сентябрь 2020 220 0. <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-oqituvchi-va-murabbiylar-kuniga-bagishlangan-tantanali-marosimdagi-nutqi>.

² Ўша жойда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича хоҳиш-иродасини рўёбга чиқариш, ҳар бир фуқарога ўз салоҳиятини ривожлантириш учун барча имкониятларни яратиш, соғлом, билимли ва маънавий баркамол авлодни тарбиялаш, глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим бўғинига айланган кучли иқтисодий шакллантириш, адолат, қонун устуворлиги, хавфсизлик ва барқарорликни кафолатли таъминлаш¹дан иборат¹. Бунга эришиш учун асл кадрларимизни тиклаш билан бирга бугунги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиб, уни амалиётимизга жорий қилишдан иборатдир. Кўриниб турибдики, бугунги кунда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш, жамиятимиз тараққиётига муносиб кадрларни тайёрлаш масаласи нафақат мамлакатимизда, балки глобал масштабда ўта долзарб масалалардан бирига айланган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада Янги Ўзбекистонда таълим, тарбия ва ақлий меҳнатнинг уйғунлигини таъминлаш жараёнида макон ва замон, мантиқий, қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Бугунги глобаллашган шароитда мамлакатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлаш учун таълим сифатини ошириш ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш билан бирга ақлий тиббиётни такомиллаштириш орқали инсон миясидаги хотирасини ошириш ҳаётий заруриятга айланди.

Агар ақлий тиббиётни жорий қилиб, инсон хотирасини 2 баробарга оширсан МАКТАБ таълими 11 йидан 5 йилга қисқариши мумкин. Шу қисқа даврда тегишли илмни эгаллаб олиш имкониятига эга бўлади. Таълим тизимида муддат унчалик аҳамиятли эмас. Буни ал-Хоразмий мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу инсон мактабда атиги бир йил ҳам ўқимаган экан. Вақтнинг қисқариши таълим соҳасига бюджетдан ажратиладиган харажатлар ҳам кескин қисқариш имкониятига эга бўлади. Жумладан, мазкур харажатлар фақат 2024 йилда 46 трлн. сўмдан 23 трлн. сўмга қисқаради. Мактаб қурилишлари 26 трлн. сўмдан 13 трлн. сўмга тушади. Шу тариқа жараён такомиллашиб борса, таълим ва соғлиқни сақлаш бюджетдан пул олмайдиган ва жамиятга катта даромад келтирадиган соҳага айланади. Мамлакатимизда ал-Хоразмийлар ва Билл Гейтсларга ўхшаган алломалар кўпаяди. Шу тариқа мамлакатимизда ЯНГИ Ўзбекистоннинг 3 РЕНЕССАНСнинг пойдевори қурилиши бошланади. Мамлакатимизда ҳам Хитойдаги сингари (ушбу мамлакатда 10 млн. дастурчи бор) дастурчиларимиз кўпаяди.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни шакллантириш учун **инсон капитални “Инсон ақлий капитал”**га айлантириш масаласи ҳам ўта долзарб бўлиб турибди. Бунинг учун мамлакатимизда **соғломлаштирадиган ва ақл-заковатни ўстирадиган таълимни** жорий қилишни ҳам тақозо қилади. Агар ушбу тадбир амалга оширилса анъанавий меҳнат унумдорлиги ўрнига **ақлий меҳнат унумдорлиги** оширилади. Бу кўрсаткич инновацион ғоя, стартап, инновация, IT ва дастурий маҳсулотларда ўз ифодасини топади. Агар ақлий меҳнат унумдорлигига эришилса, бир миллион аҳолига тўғри келадиган интеллектуал салоҳиятли одамларнинг улуши ошиб боради. Ушбу жараённинг амалга оширилишида **“Ақлий тиббиёт”**нинг ҳам роли катта бўлади. Буни амалга ошириш учун оилада соғлом умрни узайтирадиган ва мия қобилятини ривожлантирадиган тиббиётни ҳам жорий қилишни тақозо қилади. Буларнинг бир йўналиши **ақлий жисмоний тарбияда** ўз ифодасини топади. Бунда 10 та мия бўлақларини машқларини амалга ошириш лозим бўлади. Бунга эришиш учун чап ва ўнг мия бўлақлари синхрон тарзда ишлатадиган ҳолатни шакллантирадиган бўлса, миянинг ишлаш қобиляти 2 баробарга ошар экан.

Ҳозирги пайтда хорижий давлатлар тажрибаларидан Япония тажрибаси ҳам маълум даражада муваффақиятли омилларга бой тажрибалардан биридир. Зеро, Японияда таълим тизими ёшлигидан ўқувчиларни фикрлашга, фанларни тез ва осон ўзлаштиришга, озодаликка катта аҳамият беришликка, ўзаро бир-бири билан дўстона муносабатларни шакллантиришга қаратилган юксак тарбия пойдеворини айнан шу ёшлик пайтида

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги, «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158-сонли фармони. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.09.2023 й., 06/23/158/0694-сон.

шакллантиришга катта аҳамият берилади¹.

Японияда бошланғич синфларга токи олтинчи синфгача асосий эътиборни тарбияга қаратиб, уларга "Ахлоқ томон йўл" дастури остида дарс ўтилар экан. Бундай дарсларда ўқувчилар фақат ахлоқни ва кишилар билан муомалани, муносабатни ўрганишар экан.

Япония мактабларида биринчи синфдан учинчи синфгача имтиҳон бўлмас экан. Чунки бу вақтда ўқитишдан мақсад, болаларни ёшлигидан тарбия қилиш, тушунчаларини кенгайтириш ва шахсиятни шакллантиришга қаратилар экан. Инсоннинг шахс сифатида шаклланиши унинг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, чунки бундай руҳият инсондаги масъулият, мажбурият ва инсон сифатида ғурурни шакллантиришга хизмат қилади.

Тарбиянинг муҳим йўналишларидан бири оила учун ўта масъулиятли қилиб тарбиялаш ҳам шу миллатнинг ўзига хос хусусиятларидан бири. Жумладан, Японлар шунчалик бой бўлишига қарамасдан улар уйларига хизматкорлар ишлатмас экан. Уй ва болаларнинг ҳамма масалаларига ота-она масъул экан. Уйларини ўзлари йиғиштиришга масъулликни болалигидан ўргатиб борилади. Шу туфайли япон болалари озодаликка ҳам катта аҳамият берадиган бўлади. Бундай талабни ўз вақтида Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) томонидан илгари сурилган.

Японияда ўқиш ва иш жойида ҳам тозаликка инсоннинг ўзи масъуллигини сингдириб борилади. Жумладан япон ўқувчилари устозлари билан бирга ҳар куни 25 дақиқа мактабни тозалаш билан шуғулланишар экан. Бу уларни тозаликка масъул бўлиб, камтарин бўлиб ўсишларига ёрдам берадиган кўникмани шакллантириб боради. Ушбу тажриба ҳам ёшларнинг тарбияси учун катта аҳамиятга эга. Буни ўзимизда ҳам бемалол ташкил қилишимиз мумкин. Фақат бунда ўқувчиларнинг табақаланишига йўл қўймаслик керак. Ҳаммасида адолатли ёндошиб, бир хил масъулият билан берилган топшириқларни бажаришга ўргатилиши ҳам келажак учун катта аҳамиятга эга.

Япон ўқувчилари мактабга ўзлари билан зарарсизлантирилган тиш чўткасини олиб боришар экан. Овқатдан сўнг тишларини ва овқатланган идишларини ўзлари ювишар экан. Шу йўл билан японлар ёшлиқдан ўзларининг саломатликларига, хусусан озодаликка эътиборли бўлишга кўникмалар ҳосил қилиб боришга ўргатилар экан.

Японияда ўқувчиларни юртнинг, ўзларининг келажаги деб билишар, шунинг учун уларни ҳимоя қилиш лозим деган кучли эътиқод шаклланган экан. Шу туфайли мактаб мулозимлари ўқувчилардан ярим соат олдин овқатланишар экан. Шу билан улар овқатнинг сифатини ўзларида синаб кўришар ва болаларга зарар берадими йўқми, шуни аниқлаб беришар экан. Бу ҳам болаларга бўлган муносабатнинг нечоғлиқ инсонпарварлигидан далолат бериб турибди.

Инсонга эътибор, уларга бўлган муносабат, уларнинг кадр-қимматини жойига қўйиш бўйича ҳам японлар дунёга ибрат бўладиган одатларга амал қилади. Жумладан, Японияда бирорта касбга оддий кўз билан (бизнинг тилда айтадиган бўлсак, паст назар билан) қарамас экан. Хусусан фаррошларни "саломатлик муҳандислари" дейишар экан. Уларга 5000 дан 8000 долларгача маош беришар экан. Улардан ҳам малака талаб қилинар экан. Уларни ишга олишдан олдин ёзма ва оғзаки имтиҳондан ўтказишар экан. Чунки озодаликни таъминлаш инсонларнинг саломатлиги, яшаш сифати билан боғлиқдир. Шу туфайли ушбу соҳа ходимларига ҳам катта аҳамият берилар экан.

Япония мактабларидаги муҳим жиҳатлардан бири асосий эътибор олдин тарбияга ва сўнгра таълимга эътибор берилганлиги туфайли ёшлар ўртасида ишқий-романтик муносабатларга йўл қўйилмас экан. Ўғил бола ҳам, қиз бола ҳам ўзига муносибини танлашда бир-бири билан муносабатда олган тарбиясидан келиб чиқиши ҳам, ҳаётда тарбиянинг нечоғлиқ аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Яна бир характерли жиҳат, Япон мактабларида ўқувчилар мактаб буфетларига кирмас экан. Ўқувчилар учун овқатни бевосита синфхоналарга давлат томонидан белгиланган рацион бўйича уюштирилган овқатлар олиб келинар экан. Бу рационга мос

¹ Ушбу масалага оид айрим фикрлар телеграммининг @PATRUL_Uz ва @konspektor каналларида берилган маълумотлардан ҳамда Япония таълимини кузатган кишилар фикрларга таянилган ҳолда шакллантирилди.

бўлганлиги туфайли ўқувчилар уларнинг ҳаммасини ейишга мажбур ҳисобланар экан. Бундай ёндошув ўз навбатида болаларнинг соғлом ўсишига имконият яратади.

Қадимдан Японияда вақт жуда қимматли ҳисобланиб, сония ва дақиқаларгача катта аҳамият берилар экан. Шу туфайли ушбу юртда вақт жуда қадрланар экан. Мисол учун, поезднинг кечикиш ўлчами йилида 7 сонияни ташкил қилар экан. Бундай интизом ўз навбатида вақтнинг нечоғлик қадрли эканлигидан ва уни қадрлашни билганлигидан далолат беради. Зеро инсоннинг бир суткалик умри 24 соатдан иборат бўлса, бугун кечаги умрни қайтаришнинг имкони йўқ. Шу туфайли ҳар бир нарсани ўз вақтида бажаришни ўрганишимиз лозим.

Бошқа юртлардан фарқли ўлароқ япон мактабларида ёзги каникул берилмас экан. Ўқув йили даврида 5 ҳафталик таътиллар берилар ва ўша даврда ҳам ўқитувчилар ўқувчилар билан муттасил шуғулланиб келар экан. Шу йўл билан таълим ва тарбиянинг узлуксизлиги таъминланади. Натижада кўчада тарбия олишга имконият қолдирилмас экан. Бизда эса, таътил пайтида ўқувчилар асосан кўп вақтини кўчада ўтказишади. Бу эса, “кўча тарбияси”ни олиб улғайишига имконият яратилади. Шунингдек, тизимли тарбия жараёни ҳам узилишига сабаб бўлади. Бундан келиб чиқиб, биз ҳам мактабларимизда кўча тарбиясидан холи узлуксиз таълимни ривожлантиришимиз лозим бўлади.

Япония мактабларида фаррош деган касб йўқ экан. Чунки ушбу вазифа, ўқувчиларнинг ўзларини зиммасига юклатилган бўлиб, уларнинг ўзлари ушбу масала билан шуғулланар экан. Шу йўл билан ўқувчиларни озодалиқнинг қадрига етиб яшашни ўргатиш билан бирга унга қатъий амал қилиш кўникмасини ҳам шакллантириб боради. Ушбу тарбиянинг натижасида ўқувчилар ҳеч қаерга ортиқча нарсалар ташламасликка ва мактабни ифлос қилмасликка ҳаракат қилишар экан. Бу ҳам озодалиқни тарбиялашнинг бевосита амалий ифодаларидан биридир.

Японияда ўқувчиларга ортиқча бирорта ҳаракатлар қилишга рухсат йўқ экан. Уларга турли-туман соч турмаклаш ва лак-бўёқлардан фойдаланишга ҳам рухсат этилмас экан. Демак, табиийлик ўша мамлакатда устуворликни ташкил қилади.

Япония мактабларининг биздан фарқи, ушбу мамлакатда ўқувчиларга бошланғич синфда кийиниш эркин. Фақат бошланғич синфдан кейин ўқувчиларни форма кийишга ўтказишар экан. Японлар болаларини ўзларининг шароитига мос ҳолда тарбиялаш учун катта эътибор қаратилиши ҳам муҳим. Жумладан, ҳар бир япон ўқувчиси вазиятдан келиб чиқиб, сузишни билиши шарт экан! Мактабларда ташкил этилган бассейнларда ҳаммага сузиш дарслари ўтилади ва улар бу санъатни жуда яхши эгаллаган бўлишлари учун тегишли шароитлар яратиб берилар экан. Синовдан ўта олмаган ўқувчи бошқа ўқитувчида қайтадан машғулотларни ўтиб, кейин такрорий синовдан ўтказилар экан. Хуллас, сузишни билмагунча шу машғулот билан шуғулланиб албатта сузишни ўрганиб олиш мактаб таълимининг ажралмас қисмига кирар экан.

Япония таълимининг ўзига хос хусусиятларидан бири мактабда бир ўқувчининг ўз иқтидори билан алоҳида ажралиб туришига йўл қўйилмас экан. Чунки ушбу давлатда "Иқтидорсиз ўқувчининг ўзи йўқ!" деган тушунча устуворликни ташкил қилади. Япон таълим тизимида барча ўқувчиларга бир хил ёндошиш билан бирга бир хил даражада билимга эга бўлиш учун барча чораларни кўришга ҳаракат қилинади. Шу туфайли ушбу давлатда инсон капитали юқори малакалари билан ажралиб туради.

Япон мактаби ўқувчиларни рағбатлантириш, уларга таъсирчан мотивацияларни қўллаш ҳам яхши йўлга қўйилган экан. Ушбу давлат мактабларида ҳар бир ўқувчини бетақдор, бир-бири билан тенг деб билиш билан бирга уларни ҳар тарафлама ўз иқтидорига қараб ўқишни ва тарбияни ҳам йўлга қўйилган. Бу ўқувчининг қизиқишига қараб, тайёрлашга йўналтирилганлиги туфайли, деярли ҳаммасида ўз иқтидори намоён бўлиб боради. Шу тариқа ушбу мамлакатда сифатсиз инсон капитали шаклланмайди.

Япония таълимининг ўзига хос хусусиятларидан бири, бу ерда таълим тизими ҳар бир ўқувчини ўта масъулиятли қилиб тарбиялашга қаратилган. Умуман японлар бир-бирига овозни баланд қилиб гаплашмас экан. Чунки ўқувчилик даврида бунга қатъий амал

килиб тарбияланган.

Япония таълимининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири, болаларга ёшлигидан ахборот технологиялардан самарали фойдаланиш кўникмасини шакллантирган ҳолда тарбияланган. Улар мактабгача ва мактаб таълимидаёқ турли роботтехникаларни яратиш ва улардан фойдаланиш кўникмаси билан улғайтирар экан. Айнан шунинг эъзига ушбу мамлакатда ўтган асрдан буён “одамсиз корхоналар” мавжуд. Бу дегани ишнинг бошланишидан, тайёр маҳсулот ишлаб чиққунча бўлган барча технологик жараёнларни роботлар инсоннинг иштирокисиз бажаради. Бу жараёнда одамларнинг иштирокининг бўлмаслиги, уларни асосан шундай техника ва технологияларни яратиб, иқтисодийнинг босқичларида (ишлаб чиқариш, тақсимот каби) кам иштирок этадиган бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Япониянинг таълим ва тарбияга оид тажрибаларининг айрим жиҳатларидан бизнинг амалиётимизда ҳам кенг фойдаланиш мумкин. Бизнинг таълимимизда японларга нисбатан қандай устунликларимиз ёки қайси йўналишларда камчиликларимиз борлигини ҳар бир киши қиёслаш имкониятига эга. Чунки ҳамма ўқитувчи бўлмаса-да, болаларини ўқитган, ўқитаяпти. Шундан келиб чиқиб, болаларга, мактабларга бўлган ўз муносабатларимизни ўзгартирсак, ўйлаймизки, тегишли самарани кўлга киритишга муваффақ бўламиз.

Тадқиқот жараёнида Япония тажрибаси билан бирга Хитой, Сингапур, Финляндия каби илғор давлатлар тажрибаларини ўрганиб бир қанча илмий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик. Хуллас, таълим соҳасида дунёдаги мавжуд илғор тажрибаларнинг айримларидан ўзимизда ҳам фойдаланиш учун қуйидагиларга аҳамият бериш лозим, деб топдик.

Биринчидан, таълим жараёнида тарбияга алоҳида аҳамият бериш лозим. Бунда кадрларимизни тиклаш, ёшларга иймон-этикод билан бирга замонавий илғор ғояларга таянган ёшларни тарбиялашга қаратилган тарбия фанларини яратиш мақсадга мувофиқ. Чунки олдинги Ренессансларни шакллантирган аждодларимиз, биринчи галда Қуръони каримни тўлиқ ўрганиб, унинг айрим йўналишларини ҳаётга татбиқ қилиш орқали эришган.

Иккинчидан, ўқувчилар ўртасида тенглик ва адолатга катта эътиборни қаратиб, ҳаммининг иқтидори ўзига яраша эканлигини ҳис қилган ҳолда ўқувчиларни камситишга йўл қўймаслик лозим. Бирининг кўлидан робот яшаш келса, иккинчиси зўр агроном бўлиши мумкин. Қайси ҳунар бўлмасин, ҳаммаси яшаш учун муҳим. Шу туфайли касбни ҳам, инсонларни ҳам табақалаштиришга (бу зўр, буниси ночор ёки бу яхши, буниси ёмон ва ҳ.к.) имкон қадар йўл қўйилмагани маъқул.

Учинчидан, замонавий илғор инновацион технологияларни импорт қилиб олиб келиш эмас, балки экспорт қилиш учун уларни яратиш асосий вазифаларимиздан бири эканлигини сингдириш орқали эришишимиз мумкинлигига алоҳида аҳамият бериш лозим, деб ҳисоблаймиз. Мамлакатимиз ёшларига янги технологияларни яратишга ўта масъулият билан ёндошиш масаласини сингдиришимиз керак. Шу туфайли бундай технологияларни яратишни ўргатиш билан бирга шундай руҳиятни шакллантирадиган тарбия фанини ҳам параллел олиб боришга тўғри келади.

Тўртинчидан, мамлакат тараққиётининг кушандаси бўлган коррупцияга йўл қўймаслик учун ёшларимиз ўқувчилик пайтидаёқ “Ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган бўлиши лозим. Бу фоний дунёда ҳамма бир кунда ейдиган овқати, унинг ризқи эканлиги, харом-хариш йўллар билан молу-дунё тўплаб бу дунёда тараққиётга тўсиқ бўлиб яшагандан кўра, ҳалол-покиза яшаб бу дунёнинг тараққиётига ҳисса қўшиб, охирач учун савоблардан захира тўплаб дунёдан ўтганлиги афзаллигини сингдириш ҳам катта тарбия жараёнини талаб қилади.

Бешинчидан, халқимиз генофондини мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун ҳомиладор аёллар ва болаларнинг овқатланиш рационали бўйича амалдаги **меъёрларни халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиш ва яширинча очликни баргараф қилиш лозим.** Бу ўз навбатида ҳар бир инсонни индивидуал минимал истеъмол саватчаси

даражасида таъминлаш ва уларга кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифатини (тоза ҳаво, сув, озиқ-овқат тозалигини ва асаб бузишларни олдини олиш) ошириш ҳаётий зарурият эканлигини алоҳида эътибор қаратиб, шунга эришиш чора-тадбирларини мунтазам равишда ҳаётга татбиқ қилиш лозим бўлади. Бу масалалар ҳам бир вақтнинг ўзида ҳам таълим, ҳам тарбия фанларида сингдирилиб боришлиги лозим.

Олтинчидан, мамлакатимизда инсон капиталини такомиллаштириш борасида олиб борилаётган тадбирларнинг бош мақсади – халқимиз генофондини сақлаш билан бирга, етук замонавий инновацион ғоялар билан қуролланган кадрлар авлодини шакллантиришдан иборат. Бунинг учун **интеллектуал тиббиёт ва интеллектуал таълим хизматларини жорий қилиш натижасида хар бир кишининг умрини узайтириш ва ақл-заковатини ўстириш бўйича “йил харитасини” амалга ошириш мақсадга мувофиқ**. Бунда ҳам таълим ва тарбиянинг уйғунлигини таъминлаш лозим бўлади.

Еттинчидан, мамлакатимизда ҳам ривожланган мамлакатлардаги каби таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни, бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Чунки ана шу сармоя ривожланган мамлакатларда 15-17 баробар миқдорда фойда келтирмоқда. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Нимага бундай аҳволдалигимизни, соҳадаги камчиликларнинг илдилларини пухта таҳлил қилиб, тезроқ ўнгланиш дастурини ишлаб чиқишимиз ва уни реал ҳолатда амалга оширишимиз лозимдир.

Саккизинчидан, биз Янги Ўзбекистонни шу кўзда тутилган янги мазмунда шакллантиришга эришиш учун асосий омиллардан бири инсон **ақлий капитали ва салоҳиятига** эътиборни кучайтиришимиз, бунинг учун эса, барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт. Мамлакатимиз олимлари ва салоҳиятли кадрлар имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари ҳам ишлаб чиқиш ва уларни кечиктирмасдан ишга солишни муҳим вазифамиз, деб қараш лозим бўлади. Инсоннинг ақлий жиҳатдан юксалиши китоб билан бирга устозларнинг таъсирида рўй беради. Ушбу жараёнга бефарқ бўлмаслик лозим. Бунда таълим билан тарбиянинг уйғунлигини таъминлаган ҳолда ҳаракат қилишга тўғри келади.

Тўққизинчидан, мамлакатимизнинг тараққиёт стратегияси ва инновацион ривожланишнинг асосий мақсади – адолатли жамиятни шакллантириб, аҳолининг фаровонлигини ошириш ва уларнинг розилигига эришишдан иборатдир. Бунинг асосий йўллари билан бири сифатли тиббиёт, сифатли таълим, сифатли озиқ-овқат, сифатли яшаш шароити билан таъминланмоғи лозим. Бунда ҳар бир шахснинг имкониятини давлатимиз имкониятлари билан бирга қўшиб олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Бирорта киши ўз тақдирига, Ватан равнақига бефарқ бўлмаслигини ҳис қиладиган масъулият ва руҳиятга эга бўлиши лозим. Бу борада мамлакатимизда анча ишлар олиб борилди ва олиб борилмоқда. Аммо ушбу йўналишдаги ишларни давом эттириш лозим, деб ўйлаймиз.

Ўнинчидан, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида сифат, сифат ва яна сифат (“3та-ССС”) **кучли ҳаётий шиоримизга айланиши ва тадбиркорларимиз янги инновацион ғоялари, ишланмалари ва маҳсулотлари билан Дунё бозорини эгаллаши лозим**. Бунда асосий эътибор фақат шаҳарга ёки қишлоққа эмас, балки барча ҳудудларда уларнинг бир маромда амал қилинишини таъминлаш ҳам бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўн биринчидан, таълимнинг самарадорлигини ошириш учун “**Дуал таълим**” **тизимини жорий қилиш лозимдир**. Бунда назария билан амалиётнинг уйғунлиги таъминланиб, янги технологияларни ишлаб чиқиш эвазига инновацион иқтисодиётнинг шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Қайд этиш жоизки, бунда олий ўқув юрлари қошида айнан унинг соҳасига мос корхоналар ва ташкилотлар ташкил қилинади. Бу ерда талабалар бевосита амалиётни ўрганадилар.

Ўн иккинчидан, мамлакатимиз мактабларида инглиз тили соатларини 3-5 баробар кўпайтириб, IELTS 7 баллдан баландроқ ушбу тилни ўзлаштириш ва математикани 3-5 баробарга кўпайтириб, лоақал 2 дастур маҳсулотидан сертификатга эга бўлиб, хорижга

масофадан ишга жойлаштириб Фрилансинг шаклида Янги Ўзбекистонга валютани импорт қилиш йўлига ўтиш керак бўлади. Бунда Хитой ва Ҳиндистон тажрибаси катта аҳамиятга эга, 10 млн. дастурчиси Фрилансинг ишлайди. Шу йўл билан камбағалликни кескин қискартиришга ҳам эришилмоқда. Ҳозир ушбу тажрибани Россияда қўлланмоқда. Ушбу давлат мактабларида ҳам камида 2 та дастурий тил ва 2 та глобал тарзда қўлланиладиган хорижий тиллар ўргатилмоқда. Буни ўзимизда тўлиқ жорий қилишга эришишимиз лозим.

Агар биз ушбу вазифаларни ва тавсияларни амалга оширишга эришсак, мамлакатимиз тараққиётининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида кўзда тутилган таълим сифати ва самарадорлигини оширишга қаратилган вазифаларнинг ечимига эга бўламиз.

<p>С.Гулямов, М.Пардаев, С.Бабаназарова, Х.Очилова</p> <p>Обеспечение гармонии образования, воспитания и умственного труда в Новом Узбекистане</p> <p>Аннотация: в статье подчеркивается важность обеспечения гармонии воспитания и образования, а также продуктивности умственного труда в Новом Узбекистане, как важного фактора развития стран мира. В основном освещается опыт Японии. Учитывая, что подобные эксперименты проводятся в таких странах, как Китай, Сингапур, Финляндия, Вьетнам, в данной статье на основе их опыта и наших особенностей были разработаны предложения и рекомендации, состоящие из десяти пунктов и представлено их содержание.</p> <p>Ключевые слова: обеспечение приоритета образования и умственного труда, качество образования и умение эффективно использовать знания, образование, гармония образования и воспитания, глобальные процессы, «вакцина честности», справедливость, равенство, недискриминация.</p>	<p>S.Gulyamov, M.Pardaev, S.Babanazarova, Kh.Ochilova</p> <p>Ensuring the harmony of education, upbringing and mental work in the New Uzbekistan</p> <p>Abstract: the article emphasizes the importance of ensuring harmony of upbringing and education, as well as the productivity of mental labor in New Uzbekistan, as an important factor in the development of countries around the world. The experience of Japan is mainly covered. Considering that similar experiments are being carried out in countries such as China, Singapore, Finland, Vietnam, this article, based on their experience and our features, has developed proposals and recommendations consisting of ten points and presented their content.</p> <p>Keywords: ensuring the priority of education and mental work, quality of education and ability to use knowledge effectively, education, harmony of education and education, global processes, "Honesty vaccine", justice, equality, non-discrimination.</p>
---	--

Асланова Дилбар Хасановна – проректор по научной работе и инновациям, СамИЭС

Узакова Вазира Саидмуродовна – докторант Самаркандского института экономики и сервиса, СамИЭС

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО МЕХАНИЗМА ПОДГОТОВКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ С ВЫСШИМ ОБРАЗОВАНИЕМ НА РЫНКЕ ТРУДА

<p>Аннотация: в статье рассматривается организационно-экономический механизм подготовки конкурентоспособных специалистов с высшим образованием. Проведён теоретический анализ сущности и структуры организационно-экономического механизма. Приведены факторы, воздействующие на совершенствование организационно-экономического механизма подготовки конкурентоспособных специалистов.</p> <p>Ключевые слова: организационно-экономический механизм, организационно-экономический механизм подготовки конкурентоспособных специалистов, soft skills (мягкие навыки), hard skills (твёрдые навыки).</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.